



Хурматли сайтимиз меҳмонлари!
Сизнинг диққатингизга “Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ нинг расмий сайти ҳавола қилинмоқда. Сизга ёрдам кўринишида сайтимиз ва у билан ишлаш тўғрисида қисқача маълумот бермоқчимиз.



Сайт горизонтал ва вертикал менюлардан ташкил топган:

Биринчи горизонтал меню (ёрдамчи):


 - Бош (асосий) саҳифа белгиси. Бу расм кўринишдаги белгини босганда сайтнинг бош саҳифасига ўтилади.

ЁРДАМ – сайт билан ишлаш тўғрисида ёрдам (маълумот) олиш

САВОЛ-ЖАВОБ – сайтнинг «Тескари алоқа» функцияларини бажарувчи қисми, яъни сайтга ташриф буюрувчиларнинг тез-тез бериладиган саволларига “Бухоро ХЭТК” АЖ расмий вакилларининг жавоблари акс эттириладиган қисми.

КОНТАКТЛАР – “Бухоро ХЭТК” АЖ тўғрисида (манзили, боғланиш учун телефон рақамлари, иш тартиби тўғрисида ва шунга ўхшаш) маълумотлар

ПОЧТА – “Бухоро ХЭТК” АЖ га қарашли корпоратив почтага ўтиш

 - имкониятлари чекланган шахслар учун қўшимча қулайликлар

 - сайтнинг соддалаштирилган мобил версияси

О'ЗВ, ЎЗБ, РУ, ENG – сайтнинг бир тилидан иккинчи тилига ўтиш учун хизмат қиладиган белгилар. Сайт 3 (уч) тилда яъни ўзбек (лотин ва кирилл алифболарида), рус ва инглиз тилларида фаолият кўрсатади.

Иккинчи горизонтал меню (асосий)

ЖАМИЯТ ҲАҚИДА – “Бухоро ХЭТК” АЖ тўғрисида маълумотлар

АКЦИЯДОРЛАР УЧУН - “Бухоро ХЭТК” АЖ акциядорлари учун маълумотлар

ФАОЛИЯТ - жамиятнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, АЖ фаолияти тўғрисидаги маълумотлар

ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР – Давлат органлари томонидан кўрсатиладиган интерактив хизматлар тўғрисида маълумотлар ва шу хизматлардан фойдаланиш имконияти

МЕЪЁРИЙ БАЗА – Норматив ҳуқуқий маълумотлар

МАТБУОТ МАРКАЗИ – Жамиятнинг ўзида ва жамиятнинг юқори ташкилоти бўлган “Ўзбекэнерго” АЖ да ўтказиладиган тадбирлар тўғрисидаги ахборотлар.

Сайтнинг икки горизонтал меню ўртасида жамият логотиби, уч тилда ёзилган жамият номи, ишонч телефони рақами ва ЎзР Давлат рамзлари тўғрисидаги маълумотлардан иборат ахборот қисми жойлашган.

Асосий горизонтал менюнинг пастки қисмида 5 (беш) та электроэнергетикага оид объектларнинг фотосуратларидан ташкил топган фотослайдер акс эттирилган.

Фотослайдернинг тагида Бухоро вилоятининг туманлар кесимидаги интерактив харитаси жойлашган. Харитадан Сиз қизиқтирган туманни танлаганингизда ушбу туман электр таъминот корхонаси ҳақидаги, яъни ЭТК раҳбари, манзили, телефон рақамлари, электрон почта манзили, иш тартиби каби маълумотларни олишингиз мумкин.

Интерактив хаританинг пастки қисмида эса сайт модератори томонидан қўйилган, сана (вақт) жиҳатидан энг кейинги 3 (уч) та сайт ёзувлари (янгиликлари) жойлашган. Қулайлик учун ушбу 3 та ёзувлар (янгиликлар) тўлақонли очилган шаклда акс эттирилган.

Фотослайдернинг пастки ўнг қисмида қуйидагилар жойлашган:

ШАХСИЙ КАБИНЕТЛАР – сайтнинг ушбу қисмидан электр энергиясидан фойдаланувчи маиший ва юридик истеъмолчилар мос равишда ўзларининг “Шахсий кабинет”ларига ўтишлари мумкин.

Электр энергияси учун онлайн тўлов – сайтнинг ушбу қисмидан истеъмолчилар электрон тўловлар тизими сервислари орқали ўзларининг фойдаланган электр энергияси учун онлайн тўловларни амалга оширишлари мумкин.

ИЗЛАШ ... - сайт бўйича излаш имконияти.

Вертикал менюлар:

АРХИВ – йил ойлари бўйича ёзувлар (янгиликлар) архиви

САҲИФАЛАР – ўзига хос сайт харитаси, бу ерда сайт рубрикалари ва уларнинг ҳар биридаги ёзувлар (янгиликлар) сони тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган.

ЁЗУВЛАР – сана (вақт) жиҳатидан энг кейин сайтга қўйилган ёзувлар (янгиликлар) ҳақидаги маълумотлар.

Вертикал менюларнинг пасткида эса қуйидагилар жойлашган:

“Бизнинг сайтимиз Сизга ёқдими?” деган саволдан ташкил топган, сайтга ташриф буюрувчилар ўртасидаги сўровнома қисми. Бу ерда сайт томонидан таклиф қилинаётган жавоб вариантларидан бирини танлаб сўровнома саволига овоз бериш мумкин. Овоз бериш амалга оширилгандан сўнг сўровнома жавоблари натижаси чиқади.

Календар – григориан усулидаги календар, ушбу календарда исталган санани танлаб, агар шу санада сайтга ёзувлар (янгиликлар) киритилган бўлса ушбу ёзувлар (янгиликлар) архивини кўриш имконияти бор.

Сайтнинг энг пастки қисмида сайтдан фойдаланувчилар учун 3 (уч) та ахборот устунлари мавжуд:

Биринчи ахборот устунда «Бухоро ХЭТК» АЖ тўғрисидаги маълумотлар: жамият номи, манзили, телефон рақамлари, электрон почта манзиллари, жамият жойлашган харита каби маълумотлар жойлаштирилган.

Иккинчи ахборот устунда Уй-жой коммунал хўжаликлар хизматлари тарифлари акс эттирилган информер, валюта курслари тўғрисидаги информер, жамият сайтига бир кунда ва ой давомида ташриф буюрганлар тўғридаги информер мавжуд. Бундан ташқари бу устунда **31 декабр 2013 йилдаги ЎзР ВМК №355, 2 июл 2014 йилдаги ЎзР ВМК №176** ларга ҳаволалар ва **“Ўзинфоком” ДУК** нинг жамият сайтининг ахборот хавфсизлиги ҳолати тўғрисидаги хулосаси акс эттирилган. **Ушбу устунда жамият сайти қачон охири марта янгилангани тўғрисидаги ахборот ҳам жойлаштирилган.**

Учинчи ахборот устунда Давлат органлари сайтларига фойдали ҳаволалар келтирилган.

Корпоратив сайтимизга ташриф буюрганингиздан биз доимо хурсандмиз!